

# **МИЯ ЯРИМШАРЛАРИ АСИММЕТРИЯСИ – ШАХСНИНГ КОГНИТИВ ХУСУСИЯТЛАРИНИ БЕЛГИЛОВЧИ МУҲИМ ОМИЛСИФАТИДА.**

**ЖДПИ ўқитувчиси Д.Обидова**

**Аннотация:** Ўшбу мақолада ўспирин-ёшларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари ва уларнинг мия функционал асимметрияси билан узвий боғлиқлигини тадқиқ этишнинг долзарблиги, ўқувчи-ёшларда бош мия катта яримшарлари фаолиятига хос хусусиятларни аниқлаш орқали, нафакат индивидуал-психологик фарқлар ҳақидаги илмий билим ва тасаввурларни бойитиш, балки шунингдек, уларнинг ўқув фаолиятини ташкил этишнинг янги ва энг самарали усулларини ишлаб чиқиши мумкунлиги ёритилган.

**Таянч сўзлар:** Мия яримшарлари асимметрияси, когнитив хусусиятлар, функционал геометрия, конституционалхусусият, қарама-қарши иннервация.

Бугунги кунда жамиятимиз олдида турган долзарб масалалардан бири ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишидир. Ҳозирда боғчада, мактабда, ўрта маҳсус билим юртларида таълим-тарбия олаётган ёш авлод эртага жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳамма вазифаларни елкаларига оладиган ворислардир.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепсияси олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари еҳтиёжларидан келиб чиқсан холда, фан-таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустахкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар таййорлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил етиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон “Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий етиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.[1]

Ушбу консепсия Ўзбекистон Республикасида олий таълимни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари, вазифалари, ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги босқичларини белгилайди хамда соҳага оид дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўқувчи ёшларнинг ўқув фаолиятларида юзага келадиган турли-туман қийинчилликлар нафақат психолигик муаммоларни, балки шу билан бирга ўқувчи-ёшларнинг психофизиологик хусусиятларини аниқлашга доир илмий-амалий масалаларнинг чуқур тадқиқ этилишини тақозо этмоқда. Шу жумладан, ўқувчи-ёшларда (умуман ҳар бир инсонга хос бўлган) мия функционал асимметрия (МФА) қиёфасининг намоён бўлишини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Миянинг функционал асимметриясига (МФА) доир кўпгина муаммолар ҳозирги вақтда бир қатор фан тармоқлари мутахассислари томонидан ҳар томонлама ўрганилган бўлиб, айниқса, дифференциал психофизиология намояндлари томонидан бу соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқотлар алоҳида эътиборга лойиқdir.

Б.Г.Ананьев ўз илмий-тадқиқотларида МФАга доир индивидуал фарқларни ҳар томонлама ўрганиб, индивидга хос хусусиятларнинг икки тури (яъни ёш ва жинсга оид хусусиятлар ҳамда индивидуал-типик хусусиятлар) мавжудлигини эътироф этган. Унинг фикрича, конституционалхусусиятлар (яъни тана тузилиши, биохимик индивидуаллик) ва шу билан бирга миянинг нейродинамик хусусиятлари ҳамда катта яримшарлар функционал геометрияси (яъни симметрия-асимметриялар, жуфт рецептор ва эффекторларнинг ўзига хос фаолияти ва ҳ.) индивидуал-типик хусусиятлар сифатида тадқиқ этилиши мумкин. Таниқли психофизиолог олим В.М.Русалов ҳам индивидуал фарқлар билан МФА орасидаги ўзаро боғлиқлик хусусиятларини тадқиқ этиш зарурлигини таъкидлаган.[2]

Миянинг билатерал функционал асимметриясини ўрганишга оид муаммолар, фикрлар ва ёндашувлар анча узоқ тарихга эгадир. Инсонлар турли фаолиятларни амалга оширишда ўнг ёки чап қўлдан кўпроқ фойдаланишни афзал кўришлари ҳодисаси қадимдан маълум. Айнан шу боис ҳам инсонларни “ўнақай” ва “чапақай” тарзида икки тоифага ажратиш ҳолати юзага келган. Кейинчаликэса шифокорлар ва анатомлар умуман инсон мия яримшарларининг функционал жиҳатдан ўзаро “тeng эмас” лигини кашф этиб, нерв тизимининг “қарама-қарши иннервация” (яъни илмий тил билан айтганда, “контрлатерал иннервация”) принципи бўйича ишлашини аниқлаганлар. Бошқача айтилса, мия чап яримшари инсон танасининг ўнг томонида жойлашган аъзоларини назорат қиласи, ўнг яримшар эса, аксинча, тананинг асосан чап томонини бошқаради. [3]

Инсоннинг иккала мия яримшари орасида функционал тафовутлар мавжудлиги тўғрисидаги масалани 1861 йилда илк бор инглиз неврологи Хьюлинг Джексон илгари сурганлиги маълум. Шунингдек, айнан шу олим томонидан биринчи бўлиб “доминантлик” тушунчаси фанга киритилганлигини эътироф этиш лозим. Бу тушунчанинг моҳияти шундан иборатки, мураккаб нерв-психик жараёнларни бошқаришда мия яримшарларидан бири иккинчисига нисбатан каттароқ функционал юклама билан ўз фаолиятини амалга оширади. Демак, инсон миясининг тегишли яримшари доминантлигига боғлиқ равишда жуфт аъзоларидан бири етакчилик қиласи ва бунда контролатерал принцип ўз кучини сақлаб қолади: агар чап яримшар доминант бўлса, инсоннинг ўнг қўли, оёғи, қўзи, қулоғи етакчи бўлади ва х.

Таъкидлаш жоизки, X.Джексоннинг доминантлик ғоясини ишлаб чиқиши француз хирурги ва антропологи Поль Броканинг нутқ функциялари асимметриясини кашф этиши билан бир вақтга тўғри келди. 1861 йилда Париж антропология жамиятининг йигилишида у ўзининг мияси заарланган bemорларда олиб борган кузатиш натижаларини тақдим этди. Олимнинг олиб борган кузатиш натижаларига кўра мия чап яримшари заарланганидан сўнг

беморларнинг сўзлашиш қобилияти йўқолганлиги (мотор афазия феномени) аниқланди. Қизиги шундаки, ўнг яримшар заарланганда бундай ҳолат кузатилмаган. Поль Брока ушбу кузатишларига асосланиб нутқ марказининг чап яримшарда жойлашганлиги ҳақидаги хulosага келган. Поль Брока томонидан топилган бу нутқ марказига “харакатли нутқ маркази” номи берилган. Тилдан фойдаланиш қобилияти бузилмагани ҳолда нутқ товушларини талаффуз қилишда қийинчиликларни бошдан кечириш ҳолати эса Брока афазияси номини олган.

Кўп ўтмай, 1874 йилда немис невропатологи Карл Вернике мия чап яримшарининг чакка қисмида яна бир нутқ марказининг мавжудлигини аниқлади. Ушбу марказнинг заарланиши товушларни талаффуз қилиш қобилиятига деярли ҳеч қандай таъсир кўрсатмаган, аммо bemорларда нутқ мазмунини тушуниш қобилиятининг бузилишига олиб келган. Бу марказ “сенсорли нутқ маркази” деб аталган бўлиб, унинг заарланиши Вернике афазияси деб номланувчи нутқий бузилишни келтириб чиқаради.

Бир қанча йиллар давомида тўпланган экспериментал маълумотлар ва bemорларни кузатиш натижаларидан олимлар шундай хulosага келдиларки, инсон миясининг ўнг яримшари ҳам шунчаки пассив, қўшимча, иккинчи даражали бир тузилма эмас, балки (худди чап яримшар сингари) бир қатор муҳим, ўзига хос вазифаларни бажаарар экан. Шу жумладан, вербал ва новербал маълумотларни қайта ишлаш жараёнлари миянинг ўнг ёки чап яримшарлари томонидан алоҳида тарзда бошқарилади, деган нуқтаи назарга ҳам шубҳа билан қарашга олиб келган кўплаб далил-исботлар пайдо бўлди.

Бу фикрга қарши ғояни илгари сурган айrim муаллифлар аниқ предметларни ифода этувчи, яъни ёрқин тасаввурларни ҳосил қилувчи сўзларни таниш ва англашда миянинг ўнг яримшари нисбатан устунлик қилишини таъкидлайдилар. Айrim тадқиқотларда эса вербал материалларни таҳлил қилишда нафақат чап томонлама асимметриянинг мавжуд эмаслиги, балки айри вазиятларда ҳатто ўнг яримшарнинг устунлик қилиши ҳам қайд этилган.

Айрим олимлар мия яримшарларнинг фарқланиши, унинг маълумотларни турли тарзда таҳлил қилишлари асосида юзага келади, деган хуносага келганлар. Бошқача қилиб айтганда, мия чап яримшаривербал маълумотларни таҳлил қилишда, фонологик принципга таянади, ўнг яримшар эса, маълумотни “гешталт” принципи орқали бутунлигича қабул қиласди.

Маълумки, психик функциялар етилишининг энг умумий нейрофизиологик кўрсатгичи сифатидауларнинг мия яримшарлари пўстлоқ қавати ва пўстлоқ ости бўлимлари орасида тақсимланишини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Айтиб ўтиш жоизки, миянинг чап ва ўнг яримшарлари, нутқ фаоллигига ҳам иштирок этишади.

Айрим мутахассисларнинг фикрича, нутқ пайдо бўлишида иккала яримшарларни боғлаб турувчи қалқонсимон тананинг етилиши катта аҳамиятга эга.

Линнеберг фикрига кўра, онтогенезнинг дастлабки босқичларида нутқ функцияларини амалга оширишда ҳар иккала яримшар баравар иштирок этади. Атроф-муҳит ва таълим-тарбия таъсири оқибатида тил функциялари ва нутқ фаолияти секин-асталик билан чап (доминант) яримшарга йиғилиб боради.

Э.Г.Симерницкая томонидан ўтказилган бир қанча тадқиқотлар, бош мия яримшарлари орасида функционал асимметрия дастлабалбаттау ёки бу даражада мавжуд бўлиши, аммо онтогенетик тараққиётда бу каби жараёнларнинг миядаги бошқарилуви ўзгармай қолмаслигини кўрсатди, шунингдек, бош миянинг турли бўлимларида заарланиш кузатилган болалар ва катталар билан ўтказилган комплекс қиёсий тадқиқотлар мия яримшарларининг функционал ихтисослашуви содир бўлишини аниқлади. Бунда, катта ёшдаги кишилар миясининг қайси бўлими заарланишидан қатъи назар, қисман бўлса-да гапириш функциясига таъсир ўтказади, болаларда эса, нутқий нуқсонлар асосан доминант яримшардаги нутқ марказида заарланиш оқибатида келиб чиқиши мумкин эканлиги ўз исботини топди.[4]

Мия яримшарларининг нутқ соҳаси бўйича ихтисослашувига доир назарий ёндашувларнинг хилма-хиллигига қарамай ғояларнинг аксарияти болалик даврида нутқий фаолиятда ўнг яримшарнинг устивор аҳамият касб этиши ҳақидаги тасаввурга асосланади.

Мия ўнг яримшарининг инсон ҳаётидаги ўрнини ва унинг вазифасини биринчилардан бўлиб, нейрохирург Роберт Сперри аниқладива ўтказган илмий тадқиқотлари учун 1981йил Нобел мукофотига сазовор бўлди. Роберт Сперри ҳамкаслари билан биргаликда, миянинг ҳар бир яримшарибир-биридан айротарзда маълумот қабул қиласидиган маҳсус тестлар ва техник ускуналар яратди. Бу методларинсонларда чапақайлик ёки ўнақайлик даражасини аниқлашга ҳам ёрдам берган.

Дж. Леви берган маълумотларга қараганда, барча одамларнинг 89 фоизи ўнақайдир. Шуларнинг 99,7%ида миянинг чап яримшари нутқ фаолиятида устунлик қиласи. Бироқ бир гурух клиник тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, қўл устунлиги ва нутқ фаолияти ҳар доим ҳам айни бир яримшарнинг фаоллигига боғлиқ бўлавермас экан. Айрим тадқиқотлар натижаси эса шуни кўрсатадики, чапақайларда мия яримшарининг доминантлиги камроқ ифодаланган бўлиб, уларнинг мияси етарли даражада латеризациялашмаган бўлар экан.

Мутахассислар орасида чапақайликнинг ана шундай генетик омилларга боғлиқлиги ҳақидаги тасаввурлари билан бирга унинг патологик келиб чиқишига эга эканлиги ҳақидаги фикрлари ҳам кенг тарқалгандир. Бошқача қилиб айтганда, чапақайлик “мия минимал нуқсонлари” оқибатида юзага келади.

Мия функционал асимметрияси юзасидан иш олиб борган олимлар мия чап ва ўнг яримшарида патологияси бўлган беморларда ўтказилган экспериментал тадқиқотлари натижаларига таяниб, мия функционал асимметрияси муаммосини ўрганиб чиқади.

Мия функционал асимметрияси концепцияси турли муаллифлар томонидан турлича изоҳланади. Масалан, Л.И.Вассерман ўз ишида шундай

фикр ва мулоҳазалар келтиради: “Кузатув натижаларимиячап яrimшарининг заарланиши, унинг маълумотни таҳлил қилиш (анализ) қобилиятининг бузилишига, ўнг яrimшар заарланиши эса маълумотни қайта тиклашнинг (синтез) бузилишига олиб келади, деган фикрнотўғри эканлигини кўрсатди”. Олимларнинг таъкидлашларича, анализ ва синтез функцияларининг бузилиши, у ёки бу мия яrimшаринингпатологиясига боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келиши мумкин. Шу ўринда Л.И.Вассерманнинг дихотомия классификациясини кўриб чиқишимиз мумкин. Бу дихотомиялармия чап ва ўнг яrimшарларининг маълумотни қайта ишлаш жараёнидаги ўзига хос хусусиятларини ифодалайди:

1) оддий ва таниш таъсиротларни идрок этишда чап яrimшар устунлик қилса, қийин ва нотаниш таъсиротлар идрок этилишида ўнг яrimшар фаоллиги ортади;

2) вақтни идрок этиш чап яrimшар фаолияти билан боғлиқ бўлса, фазони идрок этиш функцияси кўпроқ ўнг яrimшарга тегишли;

3) маълумотларни анализ (таҳлил) қилиш жараёнларига кўпроқ чап яrimшар масъул бўлса, синтез (умумлаштириш) функциясини кўпроқ ўнг яrimшар ўз зиммасига олади;

4) таъсиротларни муайян изчилликда, босқичма-босқич тарзда идрок этиш чап яrimшарга хос бўлса, бир вақтда, бир лаҳзада яхлит тарзда идрок этиш ўнг яrimшарга хосдир;

5) мавҳум (абстракт)тушунчаларни идрокэтишда чап яrimшар етакчилик қилса, аниқ-яққол (конкрет)нарса ва ҳодисаларни идрок этишга кўпроқ ўнг яrimшар ихтисослашган.

Кейинчалик чап ва ўнг яrimшарнинг тафаккур услубини И.П.Павловнинг олий нерв фаолияти типлари билан қиёслаш ишлари олиб борилди. Бир томондан, иккинчи сигнал тизими ва чап яrimшар услубига эга бўлган “фикрловчи” типва иккинчи томондан, биринчи сигнал тизими ва ўнг яrimшар услубига эга бўлган “бадиий” тип ўртасида алоқадорлик борлиги аниқланди.

Юқорида келтирилган маълумотлар, яъни, тафаккур услуби, билиш жараёнларининг хусусиятлари ҳамдамия яримшарларнинг ўзаро муносабати, инсон мия яримшарлари концепциясининг асоси бўлиб ҳисобланади. Мана шу тасаввур мия функционал асимметрияси муаммосининг ҳар томонлама ўрганилишига, инсонларни чап ёки ўнг мия яримшарларининг етакчилик қилишига қараб типларга ажратиш каби ғояларнинг шаклланишига олиб келди.

Хулоса қилиб айтганда, мия функционал асимметрияси концепциясибўйича анчагина илмий ва амалий тадқиқотлар ўтказилган бўлса-да, ҳозирги вақтда бу муаммони ҳар томонлама, тўлалигича ўрганилганлигини эътироф этиш жуда қийин.

Ўспирин-ёшларнинг ижтимоий мухит шарт-шароитларига мослашувчанлик қобилиятларини ўрганишда уларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини, психофизиологик имкониятларини инобатга олиш жуда муҳимдир. Зеро, бош мия катта яримшарлари ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари билан инсон билиш жараёнлари, тафаккур тарзи орасида узвий боғлиқлик мавжудлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш консепсияси. 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон.
2. Ананьев Б. Г. Билатеральное регулирование как механизм поведения // Вопросы психологии. 1963. - № 5. - С. 81-98.
3. Бианки В. ЖИ. Механизмы парного мозга. ЖЛ: Наука, 1989. - 278с.
4. Дорохотова Т.А., Брагина Н.Н. Методологическое значение принципа симметрии в изучении функциональной организации человека // Функциональная межполушарная асимметрия. Хрестоматия. Под ред. Н.Н. Боголепова, В.Ф. Фокина. - М: Научный мир, 2004. - 728 с.